

# ПУДРАТ ИШЛАРИНИ БАЖАРИШ БЎЙИЧА ШАРТНОМА

Наманган муҳандислик-қурилиш институтининг Наманган шаҳри, 8-март  
кўчаси 6-а-уйда жойлашган 5-ўқув биносида жорий таъмирлаш

№ 02 -сонли

«11» Ноябрь 2022 йил

Наманган шаҳар.

Кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб юритиладиган Наманган Муҳандислик-қурилиш институтининг номидан низом асосида иш кўрувчи ректор И. Эргашев бир томондан ва кейинги ўринларда «Пудратчи» деб юритиладиган "IDEAL NAM CITY" МЧЖ номидан низом асосида иш кўрувчи О.Бахриддинов иккинчи томондан мазкур пудрат шартномасини туздилар.

## I. Шартнома мавзуси

1. Пудратчи мазкур шартнома бўйича Наманган муҳандислик-қурилиш институтининг Наманган шаҳри, 8-март кўчаси 6-а-уйда жойлашган 5-ўқув биносида жорий таъмирлаш мажбуриятини олади Буюртмачи эса Пудратчига шартномага мувофиқ объектларни қурилиш учун зарур шароитлар яратади, бажарилган ишларни қабул қилиш ва қонунчиликда белгиланган тартибда тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

## II. Умумий шартлар

1. Бажарилган ишлар далолатномаси (Ф-2) лимитларга ёки бошқа харажатлар Пудратчи ва Буюртмачи билан узаро тасдиқланган (Ф-2, Ф-3) асосида ҳисобга олинади ҳамда тулов учун тақдим этилади.

2. Хизматларни бажариш учун Буюртмачи Пудратчига иш майдонини ўз вақтида бўшатиб беради.

3. Бажарилган ишлар далолатномаси ҳар ойнинг 28 кунигача Пудратчи томонидан Буюртмачига тақдим этилади ва Буюртмачи томонидан тасдиқланади.

4. Буюртмачи Пудратчидан бажарилган ишларни миқдори ва сифатини текшириб қабул қилиб олади. Бажарилган иш сифати проект-смета ҳужжатларига тўғри келмаса Пудратчи камчиликларни ўз ҳисобидан бартараф этади.

## III. Пудратчининг мажбуриятлари

1. Барча ишларни мазкур шартномада назарда тутилган ҳажмда ва муддатларда узининг кучлари ва жалб қилинган кучлар билан бажариш ҳамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофиқ топшириш.

2. Буюртмачининг пудрат шартномалари тузилиши давомида субпудратчилар билан шартномалар тузилиши ва шартнома мавзуси, субпудратчининг номи ва манзили тўғрисида хабардор қилиши:

3. Қурилиш вақтида техника хавфсизлигини, ишларни бажариш вақтида атроф муҳитни, ўтказилган дарахтни ва ер участкасини муҳофаза қилиш бўйича зарур тадбирлар бажарилишини таъминлаш.

4. Мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тулиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

5. Пудратчи мазкур шартнома бўйича барча ишларнинг ўз кучи билан ва субпудратчилар томонидан зарур тарзда бажарилиши ҳамда объектнинг фойдаланишга тайёр ҳолда топширилиши учун Буюртмачи олдида тўлиқ мулкрий жавоб беради.

6. Қурилиш давомида лойҳа смета ҳужжатларида ҳисобга олинмай қолиб кетган ишларни ва тула муносабат билан қушимча ишларни бажариш ва қурилишнинг смета қийматини ошириш зарурлигини аниқласа бу тўғрида буюртмачига ёзма равишда хабар беради

## IV. Буюртмачининг мажбуриятлари

1. Пудратчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, Пудратчидан тугалланган ишларни қабул қилиб олиш.

2. Мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб \_\_\_ ой давомида Пудратчига ишларни қабул қилиш учун зарур ижро ҳужжатлари рўйхатини тақдим этиши.

3. Мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларини тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятларини олади.

## V. Тўловлар ва ҳисоб – китоблар

1.Шартноманинг тузилаётган вақтдаги умумий суммаси **290 000 000** сўмни ташкил этади. Ушбу сумма танлов тендер савдолари натижасида аниқланган қатъий сумма ҳисобланиб, амалдаги бозор нархларининг ўзгаришига ёки иш ҳақи тўловларининг ошишига боғлиқ равишда ўзгармайди.

2.Буюртмачи Пудратчига шартнома имзолангандан сунг **30** фоиз миқдорда аванс утказди, бу эса **87 000 000** сўмни ташкил қилади. Қолган туловлар Буюртмачи билан Пудратчи ўртасида имзоланган далолатнома (Ф-2, Ф-3) ларга асосан 30 кун мобайнида Буюртмачи томонидан амалга оширилади.

3. Ҳисоб-китоб шакли: Пудратчининг банкдаги ҳисоб-рақамига пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

4. Шартнома бўйича Пудратчи қурилиш ишларини **15.11.2022**-йилдан бошлаб **15.11.2022**-йилгача тўлиқ бажаради. Пудратчи қурилиш ишлари муддатидан олдин бажариш ҳуқуқига эга. Бундан ҳолатда узил-кесил ҳисоб-китоблар амалдаги қонунчиликда ва ушбу шартномада кўрсатилган тартибда амалга оширилади.

5.Пудратчи объект топширилгунга қадар мазкур шартнома бўйича объектга мулк ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади. Буюртмачи мазкур шартнома бўйича ўз зиммасига қабул қилинган мажбуриятларни шартнома кучга кирган кундан бошлаб бажармаган тақдирда Пудратчи бу ҳақда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Буюртмачининг ёзма равишда хабардор қилиши керак.

#### **VI. Томонларнинг мулкий жавобгарлиги**

1.Пудратчи объектнинг ўз вақтида ишга тушириш бўйича ўз мажбурятларини бузганлиги учун Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбурятларини бажарилмаган қисмининг 0.5 фоизи миқдорда пеня тўлайди. Бироқ бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги керак.

2.Буюртмачи томонидан топилган нуқсонлар ва камчиликлар уз вақтида бартараф этилмагани учун Пудратчи Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 0.4 фоизи миқдорда пеня тўлайди бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги керак.

3.Пеня тўлаш Пудратчининг ишларнинг бажарилишининг ёки хизматлар кўрсатишининг кечикиши туфайли етказилган зарарларни қоплашдан озод қилмайди.

#### **VII. Низоларни ҳал этиш тартиби**

1.Шартномани бажаришда ва бекор қилишда, шунингдек етказилган зарарларни қоплашда пайдо буладиган низоли масалаларни томонлар ҳал этолмаса улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда кўриб чиқилади.

#### **VIII. Енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари**

1.Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тулик бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай тулик ёки қисман бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

2.Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган. Шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтга мутаносиб равишда узайтирилади.

3.Агар енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлар ёки уларнинг оқибатлари 30 кундан кўп вақтга чўзилса у ҳолда пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар кўрилишини муҳокама қиладилар.

#### **IX. Шартномани бекор қилиш**

1.Буюртмачи ишларни тугатишининг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан 30 кундан ортиқ муддатга кўпайган ҳолда, Пудратчи томонидан ишларни бажариш жадвалига риоя этилмаганда

2.Пудратчи томонидан Пудратчи томонидан шартнома шартлари тозалаш меъёрлари ва қоидаларида назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда

3.Объектдаги қурилиш ишлари Пудратчига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Буюртмачи томонидан 15 кундан ортиқ муддатга тухтатиб қуйилганда,

4.Буюртмачи томонидан молиялаштириш тўхтатиб қуйилганда, қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга .

5. Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон мазкур булим қондасига мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборди.

6. Шартноманинг бир томонлама бекор қилишга йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларида тутилган ҳоллар бундан мустасно.

#### Х. Алоҳида шартлар

1. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва битимлар, ёзишмалар, томонларнинг узаро келишувлари ўз қучини йукотади.

2. Пудратчи қурилиш объектига ёки унинг алоҳида қисмларига тегишли иш ҳужжатларини Буюртмачининг ёзма рухсатисиз, субпудратчилардан ташқари, Бирон бир учинчи томонга сотиш ёки бериш ҳуқуқига эга бўлмайди.

3. Мазкур шартномага барча узгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзолаган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.

4. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги қонун нормалари қўлланилади.

5. Мазкур шартнома бир хил юридик қучга эга бўлган 2 нусхада тузилди.

6. Шартнома томонлар имзолаб Ҳазначилик бўлинмасидан руйхатдан утқандан сунг қучга қиради ва шартноманинг амал қилиш муддати **31 декабр 2022** йилгача.

#### Томонларнинг юридик манзиллари ва реквизитлари:

«Пудратчи»

"IDEAL NAM CITY" МЧЖ

«Буюртмачи»

Наманган муҳандислик-қурилиш  
институтини

Манзил: Наманган вилояти Чортоқ туман  
Қорабоғ мфй Сернавада 74-уй

Тел./факс: 94-3044334

х/в: 2020 8000 0051 1848 3001

Банк номи: Асака банк Наманган вилояти  
филиали

МФО: 00231

СТИР: 306691094

Манзил: Наманган ш. Ч. Қориев кўча  
12-уй

Тел./факс 69-234-15-23

ш/хв 400910860144014094100079005

Банк номи Марказий Банк Тошкент ш. ХККМ



МФО 00014 СТИР 200055454

ОКОНХ 85420

Ўзб. Рес. Молия вазирлиги Ҳазначилиги  
Ҳазна х/в 2340200030010000101  
МФО 00014 Ҳазначилик бўлинмаси  
СТИРи 201122919

Раҳбар Ш. Эрашев

Раҳбар: С. Бахридинов



Хушхабар: С. Бахридинов С. Бахридинов  
Ҳазначилик бўлинмаси С. Бахридинов

## МУХОКАМА АХБОРОТИ

“11” ноябр 2022 йил


Наманган.ш

Наманган вилояти ҳудудидаги Наманган муҳандислик-қурилиш институти томонидан 2022 йил “09” ноябрдаги 174462 сонли лотга асосан Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги 684-сонли “Давлат харидлари тўғриси”даги қонуни 56 ва 58 – моддалари талабларидан келиб чиқиб, энг яхши таклифларни танлаш тури бўйича Наманган шаҳри, 8-март кўчаси 6-а-уйда жойлашган 5-ўқув биносида жорий таъмирлаш ишларини бажариш учун харидлар амалга оширилиши режалаштирилган. Шунга асосан белгиланган муддатлар асосида Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги 684-сонли “Давлат харидлари тўғриси”даги қонуни 60 ва 61-моддалари талабларидан келиб чиқиб танлов савдолари ўтказилди. Мазкур танлов савдолари якуни бўйича “Идеал нам ситй” МЧЖ томонидан берилган таклифлар комиссия аъзолари иштирокида энг мақбули деб топилди. Ушбу танлов жараёнлари бўйича расмийлаштирилган баённомалар “Давлат харидлари тўғриси”даги қонуни 62-моддасига асосан давлат буюртмачиси томонидан, у расмийлаштирилган кунда давлат харидларининг электрон тизимига муҳокама қилиш учун икки иш кунига жойлаштирилди.

Шунга асосан икки иш кун ичида танлаш иштирокчилари томонидан танлаш ўтказиш натижалари бўйича эътирозлар келиб тушмади.

Юқоридаги ҳолатлардан келиб чиқиб, давлат буюртмачиси ва харид комиссияси томонидан ғолиб деб топилган иштирокчи ўртасида шартнома тузилиши мумкин деб белгилаб олинди. Муҳокама учун белгиланган муддат тугаганидан кейин келиб тушган эътирозлар харид комиссияси томонидан кўриб чиқилмайди.


НамМҚИ ректори:



Ш.Эргашев

НамМҚИ бош

ҳисобчиси:



Э.Юлдашов



**Протокол закупочной комиссии по отбору наилучшего предложения лот № 174462 на приобретение Наманган вилояти, Наманган Мухандислик-қурилиш институтининг Наманган шаҳри, 8-март кўчаси 6-а-уйда жойлашган 5- ўқув биносида жорий таъмирлаш**

Способ проведения электронный

Дата 09.11.2022

Время рассмотрения 09.11.2022 11:19

Закупочная комиссия Наманганский инженерно-строительный институт, (Далее – Комиссия) в составе:

<b>Председатель комиссии</b>	KARAYEV PAYZILLAXON YUSUFXONOVICH	Moliya iqtisod ishlari bo'yicha prorektor	NAMANGAN MUHANDISLIK- QURILISH INSTITU
<b>Секретарь комиссии</b>	AZIZOV BEKZOD ABDULVOXIDOVICH	Бош ҳисобчи ўринбосари	НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК- ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ
<b>Член комиссии</b>	XOLMIRZAYEV BAXROMJON XAMIDULLAYEVICH	Бош мухандис	НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК- ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ
<b>Член комиссии</b>	ABDULLAYEV XAYRULLO NURILLAYEVICH	Бош энергетик	Namangan muhandislik qurilish instituti
<b>Член комиссии</b>	ZARIFOV SODIK SOBITXANOVICH	Хўжалик бўлими бошлиғи	Namangan muhandislik qurilish instituti
<b>Член комиссии</b>	YULDASHOV ELMUROD ABDUJALIL O'G'LI	Бош хисобчи	Namangan muhandislik qurilish instituti

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 09.11.2022 года № лота 174462.

Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф.технико-квалификационной части: 85.00 / Весовой коэф. ценовой части: 15.00)

Мин. балл: 60

Предмет закупки:

<b>Наименование товара (работы, услуги)</b>	<b>Услуга по текущему ремонту зданий</b>
Подробное описание	Наманган вилояти, Наманган Мухандислик-қурилиш институтининг Наманган шаҳри, 8-март кўчаси 6-а-уйда жойлашган 5- ўқув биносида жорий таъмирлаш
Количество товара	1.00
Единица измерения	
Цена товара (услуги) за единицу	293 965 680.00
Стартовая сумма	293 965 680.00
Валюта	UZS

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 Иштирокчи молиявий ҳолати

Тип: Текстовое значение

Описание: 3 йиллик молиявий баланс ва натижаси ДТ-КТ ҳолати

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
<b>NAMAN MAXSU IHSHOOT QURIL MЧЖ</b>	15	15	14	Экспертная		
<b>STROY MELIO MONTAJ MЧЖ</b>	15	Иштирокчи молиявий холати	15	Экспертная		
<b>ООО IDEAL NAM CITY</b>	15	20	15	Экспертная		

Критерий №2 Умумий маълумот

Тип: Текстовое значение

Описание: Иштирокчи гувоҳнома низом ва бошқа таъсис ҳужжатлари

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
<b>NAMAN MAXSU IHSHOOT QURIL MЧЖ</b>	15	15	15	Экспертная		
<b>STROY MELIO MONTAJ MЧЖ</b>	15	Умумий маълумот	15	Экспертная		
<b>ООО IDEAL NAM CITY</b>	15	20	15	Экспертная		

Критерий №3 Иштирокчи малакали ходимлар руйхати

Тип: Текстовое значение

Описание: Ходимлар руйхати Паспорт нусхалари Диплом нусхалари Ишга қабул қилиш буйруғи

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
<b>NAMAN MAXSU IHSHOOT QURIL MЧЖ</b>	15	15	11	Экспертная		
<b>STROY MELIO MONTAJ MЧЖ</b>	15	ИШЧИ ХОДИМЛАР	12	Экспертная		
<b>ООО IDEAL NAM CITY</b>	15	20	15	Экспертная		

Критерий №4 Иштирокчи асосий воситалар руйхати

Тип: Текстовое значение

Описание: Машина ва механизмлари руйхати, тех.паспорт нусхалари, агар ижарада булса ижара шартномалари.

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
<b>NAMAN MAXSU IHSHOOT QURIL MЧЖ</b>	15	15	10	Экспертная		
<b>STROY MELIO MONTAJ MЧЖ</b>	15	машина механизмлар	10	Экспертная		
<b>ООО IDEAL NAM CITY</b>	15	20	13	Экспертная		

Критерий №5 Иш тажрибаси

Тип: Текстовое значение

Описание: Охирги йиллардаги иш тажрибаси, тузилган шартномалар нусхалари

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
<b>NAMAN MAXSU IHSHOOT QURIL MЧЖ</b>	15	15	14	Экспертная		
<b>STROY MELIO MONTAJ MЧЖ</b>	15	Иш тажрибаси ва тузилган шартномалар	13	Экспертная		
<b>ООО IDEAL NAM CITY</b>	15	20	15	Экспертная		

Оценка участников финансовой части составила:

Наименование участника	Стартовая сумма	Предлагаемая сумма	Сумма с учетом конвертации (UZS)	Применение преференции	Общее значение (UZS)	Дата предложения	Оценка стоимости (балл)
<b>NAMAN MAXSU IHSHOOT QURIL MЧЖ</b>	293 965 680.00	293 960 000.00 UZS	293 960 000.00	00.00	293 960 000.00	07.11.2022 10:35:04	13.64982
<b>ООО IDEAL NAM CITY</b>	293 965 680.00	290 000 000.00 UZS	290 000 000.00	00.00	290 000 000.00	07.11.2022 22:45:33	13.83621
<b>STROY MELIO MONTAJ MЧЖ</b>	293 965 680.00	267 500 000.00 UZS	267 500 000.00	00.00	267 500 000.00	07.11.2022 22:45:08	15

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

Наименование участника	Общий балл по технической части	Общий балл по финансовой части	Итоговый балл
<b>NAMAN MAXSU IHSHOOT QURIL MЧЖ</b>	72.53305	13.64982	86.18287
<b>ООО IDEAL NAM CITY</b>	82.73305	13.83621	96.56926
<b>STROY MELIO MONTAJ MЧЖ</b>	73.66695	15	88.66695

Закупочная комиссия по отбору наилучшего предложения лот № 174462 от 09.11.2022 года на приобретение Наманган вилояти, Наманган Мухандислик-курилиш институтининг Наманган шаҳри, 8-март кўчаси 6-а-уйда жойлашган 5- ўқув биносида жорий таъмирлаш определила победителем:

ООО IDEAL NAM CITY  
306691094

и резервный исполнитель: STROY MELIO MONTAJ МЧЖ (302369353)

Проголосовали

Комиссия	Ф.И.О.	Голосование	Комментарии
<b>Председатель комиссии</b>	KARAYEV PAYZILLAXON YUSUFXONOVICH	Согласен	
<b>Член комиссии</b>	XOLMIRZAYEV BAXROMJON XAMIDULLAYEVICH	Согласен	
<b>Член комиссии</b>	ABDULLAYEV XAYRULLO NURILLAYEVICH	Согласен	
<b>Член комиссии</b>	ZARIFOV SODIK SOBITXANOVICH	Согласен	
<b>Член комиссии</b>	YULDASHOV ELMUROD ABDUJALIL O'G'LI	Согласен	

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП